



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 28 март, № 59-60 (7017-7018)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК САРИ ТАШЛАНГАН МУҲИМ ҚАДАМ


27 март куни пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида Афғонистон Ислом Республикаси билан биргаликда ташкил этилган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди.



Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили Тадамити Ямамото, шунингдек, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция, Италия, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркменистон ташқи сиёсат маҳкамалари, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари қатнашди.

Айтиш кераки, Ўзбекистон 2017 йилда Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича ўтказилган турли форматдаги халқаро ва минтақавий анжуманларда, жумладан, кенгайтирилган таркибдаги Москва учрашуви (апрель), “Кобул жараёни” (июнь), Афғонистон Ислом Республикаси оид минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (Ашхобод, ноябрь), “Осиё юраги — Истанбул жараёни” (Боку, ноябрь-декабрь) ҳамда Халқаро мулоқот гуруҳи йиғилишида (Осло, декабрь) юқори даражада иштирок этди.

(Давоми 3-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА «ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК» МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ

Мухтарам Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийлари!

Хурматли Федерика Могерини хоним! Хурматли ташқи ишлар вазири ва делегациялар раҳбарлари!

Мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтаётган Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро конференциянинг барча иштирокчилари ва меҳмонларини Ўзбекистон халқи номидан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Ушбу анжуманда иштирок этаётганингиз учун сизларга чуқур миннатдорлик билдираман ва меҳмондўст ўзбек заминидан сизларни қўриб турганимдан гоят хурсандман.

Бугунги конференция Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг биргаликдаги ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Мазкур анжуман халқаро ҳамжамият томонидан Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш бўйича олиб борилаётган саяё-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

Форумда шахсан иштирок этаётгани учун Президент Муҳаммад Ашраф Ғани Жаноби Олийларига алоҳида миннатдорлик билдиришмоқчиман.

Шунингдек, халқаро конференция ўтказиш бўйича бизнинг ташаббусимизни аввалбошданоқ қўллаб-қувватлаган ва барча қатнашчиларга ўзининг табрик хатини йўлаган Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотиби жаноб Антониу Гутерришга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Биз жаноб Антониу Гутерришнинг Афғонистондаги вазиятнинг тинч йўл билан ҳал этиш жараёнлари доирасида музокаралар ўтказиш тарафдори эканини, шунингдек, минтақамизда хавфсизлик ва барқарор тараққиётни қўллаб-қувватлаш борасидаги саяё-ҳаракатларини юксак баҳолаймиз.

Шу йилнинг январь ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашида Қозоғистон раислигида Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича фикр алмашувлар бўлиб ўтган эди. Фурсатдан фойдаланиб, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич

(Давоми 2-бетда).



АФҒОНИСТОН БЎЙИЧА «ТИНЧЛИК ЖАРАЁНИ, ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ШЕРИКЛИК» МАВЗУСИДАГИ ТОШКЕНТ КОНФЕРЕНЦИЯСИНING ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри
2018 йил 26-27 март

Муқаддима

Биз, Тошкент конференцияси иштирокчилари:

1) Афғонистонда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатилиши минтақада барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлаш ҳамда кўп йиллик зўравонлик ва афғон халқининг азоб-қуқубатларига чек қўйишда салмоқли аҳамиятга эга эканини тасдиқлаймиз. Шу сабабли, биз Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг саяё-ҳаракатлари билан терроризм ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашиш соҳасидаги ўзаро яқин минтақавий ҳамкорлик орқали амалга оширилаётган сиёсий тартибга солиш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ва шериклик Афғонистон ва бутун минтақада тинчлик ва фаровонлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этамиз;

2) Биз БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг, жумладан, 2018 йил 19 январь куни Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича мажлисида сўнг Афғонистон ва Марказий Осиё ўртасида шакллантирилган янги шерикликка доир резолюциялари ва қарорларини қўллаб-қувватлаймиз;

3) Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, шунингдек, миллий бирдамлиги, Афғонистон халқи ва ҳукуматининг ўз мамлакатидеги тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш бўйича саяё-ҳаракатларини ҳурмат қиламиз;

4) Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз саяё-ҳаракатлари билан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва минтақавий ташаббуслар, жумладан, Афғонистон ҳукумати раҳбарлигидаги Афғонистонда тинчликни таъминлаш ва зўравонликка барҳам бериш бўйича саяё-ҳаракатлари раҳбарлик қилишга қаратилган бош форум ва восита сифатида Кобул жараёнининг муҳимлигини эътироф этамиз;

5) Марказий Осиё давлатларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни кенгайтиришга қаратилган саяё-ҳаракатлари-

ни, уларнинг минтақадаги сиёсий ва иқтисодий жараёнлардаги иштирокини қўллаб-қувватлаймиз;

6) Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз саяё-ҳаракатлари билан тинчлик ва ярашув жараёнини қўллаб-қувватлаш бўйича саяё-ҳаракатларнинг давоми сифатида Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida Тошкент конференциясининг муҳим аҳамиятини алоҳида қайд этамиз.

Тинчлик ва ярашув

7) Миллий Бирдамлик ҳукуматининг толиблар билан кенг қўламли тинчлик келишувига эришиш бўйича пировард мақсад йўлида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаслик асосида «Толибон» билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш ҳақидаги халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланаётган тақлифини қатъий қўллаб-қувватлашимизни таъкидлаймиз ҳамда «Толибон»ни Афғонистон раҳбарияти ва ушбу мамлакат халқининг ўз саяё-ҳаракатлари билан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларига мувофиқ амалга оширилаётган тинчлик ўрнатиш жараёнига доир ушбу тақлифини қабул қилишга қақирамиз;

8) Толиблар билан муносабатларни сиёсий йўл билан ҳал этиш Афғонистонда зўравонликка барҳам беришнинг энг мақбул йўли экани, шунингдек, Афғонистон ҳукумати ва «Толибон»нинг мурасоз вакиллари ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан тўғридан-тўғри тинчлик музокараларини ўтказиш зарурати мавжудлигини қайд этамиз;

9) Афғонистон ҳукуматининг «Толибон» билан тўғридан-тўғри музокараларни бошлаш бўйича саяё-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашимизни тасдиқлаймиз ҳамда Кобул жараёнини Афғонистон бўйича бошқа минтақавий ва халқаро тинчликпарвар ташаббуслар билан бир қаторда бош форум ва восита сифатида эътироф этамиз;

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 март куни “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси доирасида Еврокомиссия вице-президенти, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушўғлу, Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Хаважа Муҳаммад Асиф билан учрашувлар ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини қабул қилар экан, турли даражадаги алоқалар фаоллашганини чуқур мамнуният билан қайд этди, бу эса Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантириш ва мустақамлаш йўлидаги ўзаро интилишлардан далолатдир.

Суҳбатда Афғонистондаги вазиятнинг тинч йўл билан ҳал қилишда зарур кўмак кўрсатиш ва минтақани барқарор ривожлантириш, шунингдек, савдо, инвестициялар, инновациялар, таълим ва маданият

соҳаларидаги икки томонлама амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари бўйича ўзаро алоқалар истиқболлари қўриб чиқилди. Келаси йилда ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янги Стратегиясини қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан учрашувда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари юқори суръатларда ўсаётгани ва изчил мустақамлашаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг очишлиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси эртага — 2018 йил 29 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2018 йил 28 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесиде рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАЎБАРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сўнгги йилларда икки томонлама ҳамкорлик аниқ амалий мазмун билан бойигани қайд этилди. Ўзаро савдо ҳамжи ортиб бормоқда, муҳим сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда, бизнес ва минтақалар даражасидаги кооперация алоқалари кучаймоқда. Таълим, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар алмашинувга оид янги дастурлар амалга оширилмоқда.

Россия Федерацияси Президенти-нинг хорий йил кузда Ўзбекистон Республикасига бўладиган давлат ташири-фига тайёргарлик масалалари кўриб қилинди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари му-ҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Туркия Респу-бликаси ташқи ишлар вазири Мевлют Чавушўғлуни самимий кутлар экан, дўстлик ва стратегик шериклик муно-сабатларини янада мустаҳкамлаш мақ-садида ўтган йил октябрь ойида Тур-кияга олий даражадаги ташириф чоғи-да эришилган келишув ва битимларни тўлиқ амалга ошириш муҳимлигини қайд этди.

Навбатдаги олий даражадаги учра-шувларга тайёргарлик кўриш, аввало, музокаралар кун тартибинин савдо, сармоя, юксак технологиялар, транс-порт ва туризм, маданият соҳалари ва бошқа йўналишлардаги ўзаро ман-фаатли ҳамкорликка оид аниқ лойиҳа ва дастурлар билан бойитиш масала-ларига алоҳида эътибор қаратилди.

Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Хаважа Мухаммад Асиф билан учрашувда икки томонла-ма муносабатларга амалий руҳ бахш

Ў.А.

◀ Нигоҳ

Катта стратегиянинг асосий бўғини

Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзюда ўтказилган халқаро конференция якунлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар маҳкамалари раҳбарлари журналистлар билан учрашиб, нуфузли форумнинг натижалари ҳақида ахборот берди.

Салоҳуддин РАББОНИЙ, Афғонистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири:



— Афғонистонда ўтказилган “Қобул жараёни”дан бир ой ўтиб Тошкент конференцияси бўлиб ўтди. Ишонч-мизки, минтақавий консенсус мамла-катимизда тинчликни қарор топтириш госясини кўзлайди. Биз осойишталик-ка эришишимиз учун барча имкони-ятдан унумли фойдаланишимиз керак. Ўзбекистонлик дўстларимизга нарко-трафик, терроризм муаммоларини ҳал

қилишдаги кўмаги учун миннатдорлик билдирамиз. Зеро, бу долзарб маса-лалар нафақат афғонларга, балки бутун минтақага тааллуқлидир. Шунинг учун биргаликда таъсирчан савий-хара-катларни олиб бориш талаб қилина-ди. Марказий Осиёнинг барча мам-лакатлари, нуфузли халқаро ташкилот-лар, Афғонистоннинг дўстлари ишти-рокида ўтказилган Тошкент конферен-цияси афғон халқини қўллаб-қувват-лаш, минтақада барқарорликни таъ-минлаш йўлидаги кучли қаҳирқи бўлди. Ўзбекистон халқи ва ҳукумати билан биргаликда иш олиб боргани-миз учун миннатдорлик билдираман. Афғонистон Президенти Ашраф Гани-нинг Ўзбекистонга таширифи ва унда имзоланган 20 та шартнома, ўнлаб ти-жорат битимлари бизни бир-биримиз-га янада яқинлаштиради. Ва албатта, хавфсизлик ҳамкорлигимизнинг энг муҳим йўналишларидан бирига айла-нади.

Абдулазиз КОМИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

— Биз жуда муҳим сиёсий воқеага гувоҳ бўлдик. Форум кун тартибиде замонамизнинг энг ўткир муаммола-ридан бири — хавфсизлик масаласи турган эди. Бу муаммо шўнчаликка бордики, уни ҳал қилишимиз керак. Акс ҳолда, у бутунлай чуқурлашиб ке-тиши мумкин.

Афғонистонда қарийб 40 йилдан бери уруш давом этмоқда, бу урушда ғолиб ҳам, мағлуб ҳам йўқ, оддий одамлар қийналомоқда. Бошқа тара-дан, қўшни мамлакатда тинчлик жа-раёнини бошлаш учун нисбатан қулай давр келаяпти.

Тошкент декларацияси афғон ма-саласини ҳал қилишда бизнинг ақдил-лигимизни кўрсатди. Ўғни халқаро ҳамжамият урушдан, зўравонликдан чарчаган. Барчамиз халқларимиз тинч-лигини, тараққиётини кўришни истай-миз. Декларацияда юзага келган ва-зият қайд этилиб, афғон инқирозини ҳал қилишнинг аниқ йўллари тақийф қилинди. Бирор-бир дастлабки шарт-ларсиз тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш унда илгари сурилган тақ-лифларнинг асосини ташкил қилади. Авваламбор, барчамиз Афғонистонда вазиятни ўнглаш учун бу уларнинг ички иши эканлигини, афғонлар музокара-ларни қандай ўтказишни ёки қандай шаклда олиб боришни ўзлари ҳал қилиши лозимлигини теран тушуни-шимиз керак. Шундай бўлса-да, жуда кўп нарса ташқи кучларга ҳам боғлиқ, Афғонистон тарафи фикрича, кимдир бу жараёнда иштирок этмоқчи бўлса, албатта, марказий, яъни қонуний ҳуку-мат билан музокара ўтказиши керак.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Афғонистон Ўзбекистонга нечоғли яқинлигини таъкидлади. Биз хавф-хатарларнинг баъзи бирларини “ўзимизники”, бошқасини эса “биров-ники”, деб қабул қилмаслигимиз ке-

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК САРИ ТАШЛАНГАН МУҲИМ ҚАДАМ



◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртбошимиз халқаро мин-барларда, жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сес-сиясида Афғонистондаги ва-зиятни барқарорлаштириш бўйича Ўзбекистон позици-сини баён қилди, бу борада аниқ таклифлар билдирди. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва та-раққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзюидаги халқаро конфе-ренцияда илгари сурилган хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратмаслик тамойили Афғо-нистон бўйича халқаро кон-ференциянинг асосий мазму-нини ташкил этди. Юкори да-ражадаги халқаро форум на-фақат қўшни давлатлар, бал-ки дунё ҳамжамиятининг жа-фокаш афғон халқига ёрдам беришга тайёрлигини, айнаи пайтда қарийб 40 йиллик инқ-ирозни ҳал қилиш ҳамда тинч-лик жараёнини қўллаб-қувват-лаш юзасидан қатъий сиёсий хоҳишини ва савий-ҳаракатлар-ни бирлаштиришга бўлган ин-тилишини намоён этди.

Халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари даври-мизнинг энг ўткир минтақавий ҳамда глобал муаммоларидан бири — Афғонистондаги қара-ма-қаршилиқни ҳал қилишни амалий руҳда муҳокама этиб, биргаликда умумий бир ечим ишлаб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Афғонистон Ислом Респу-бликаси Президенти Мухаммад Ашраф Гани тинчлик музока-раларини олиб боришда бар-ча савий-ҳаракатни бирлашти-риш ва қўллаб-қувватлашга чақирди. Европа иттифоқи-нинг ташқи ишлар ва хавф-сизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини ўз нутқида Афғонистон тарихида янги саҳифа очиш даври кел-ганини қайд этди. “Биз бугун афғон халқи тақдирини ўзгари-шига ишонамиз. Биз Афғонис-тонда тинчликни қарор топти-риш ҳамда мамлакатни тик-лаш учун шароит яратишимиз мумкин. Музокаралар олиб бориш Афғонистон фуқарола-ри чеккан кўп йиллик азоб-уқубатлардан сўнг осойишта-лик сари ўта муҳим имконият ҳисобланади. Европа итти-фоқи ва халқаро ҳамжамият тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлашга ҳамда унга бар-

ча зарур кўмакни бе-риш учун катта масъ-улиятга эга”, деди сиёсатчи.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Тошкент конференция-си иштирокчиларига видеомурожаат йўлла-ди. Форумда мазкур лавҳа намоиш қилин-ди. Таъкидланганидек, БМТ Бош котиби Ўзбе-кистон ва Афғонистон фикр-мулоҳазалари билан та-нишиши, конференцияга оид маълумотларни тезкорлик бил-лан олиши учун барча шарт-шароит яратилди. Матбуот марказида янграган фикрлар, янгиликлар, давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг нуқ-таи назарлари дунё медиама-конини кенг қамради.

Хорижлик меҳмонлар Президент Шавкат Мирзиёев-нинг Афғонистон бўйича юкори даражадаги халқаро конфе-ренцияни ўтказиш ташаббуси ўз вақтида бўлгани ва долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъ-кидлашди. Негаки, Марказий

Дарҳақиқат, тинчлик ҳамда барқарорлик, энг аввало, аф-ғон халқининг кўп йиллик ор-зусидир. Чунки бу халқ қарийб қирқ йилдан буён давом этаётган уруш, азоб-уқубат ва муҳтожликни бошдан кечир-моқда. Бу халқ ўзининг бутун тарихи ҳамда мислсиз бардо-ши билан чинакам ҳурмат ва ҳамдардлик уйғотади. Мамла-катда вужудга келган беқарор вазият аллақачон Афғонистон чегараларини ошиб ўтиб, мин-тақада анча нарида ҳам ўзи-нинг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Афғонистон му-аммоси фақат Марказий Осиё минтақаси давлатлари хавф-сизлигига эмас, балки бутун жаҳон хавфсизлигига таҳдид туғдираётгани айнаи ҳақиқат. Шунинг учун ҳам афғон му-аммосининг тинч йўл билан ҳал қилинишини таъминлаш, жафокаш афғон халқига ўз за-минида узок вақт орзиқиб ку-тилган тинчлик ўрнатилишига ёрдам бериш учун бутун им-кониятларни ишга солиш ҳаётий заруратга айланди.

Шуни алоҳида айтиш жоиз-ки, юртимизда бўлиб ўтган

юкори даражадаги мазкур тадбир биринчи марта жуда кенг ҳамда батафсил ёритил-ди. Бунда ташкил этилган матбуот марказининг роли катта бўлди. У ерда маҳаллий ва хорижлик журналистлар-нинг ишлаши, экспертлар, олимлар, сиёсатшуносларнинг фикр-мулоҳазалари билан та-нишиши, конференцияга оид маълумотларни тезкорлик бил-лан олиши учун барча шарт-шароит яратилди. Матбуот марказида янграган фикрлар, янгиликлар, давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг нуқ-таи назарлари дунё медиама-конини кенг қамради.

Хорижлик меҳмонлар Президент Шавкат Мирзиёев-нинг Афғонистон бўйича юкори даражадаги халқаро конфе-ренцияни ўтказиш ташаббуси ўз вақтида бўлгани ва долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъ-кидлашди. Негаки, Марказий Осиёнинг қоқ марказида жой-лашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ҳамда яхши қўшни-лик худудида айланиши йўли-да прагматик ташқи сиёсат олиб бормоқда. Сўнгги бир ярим йил мобайнида мазкур устувор вазифалар ҳаётга из-чил татбиқ қилиниб, Ўзбекис-тоннинг қўшни давлатлар бил-лан муносабатларида тарихий ўзгаришлар юз берди. Давлат-лар раҳбарларининг олий да-ражадаги учрашувлари мунта-замлик касб этиб, ўзаро ишонч муҳити мустаҳкамланди. Чега-ра, сувдан фойдаланиш син-гари нозик ва мураккаб маса-лаларда дадил ҳамда қатъий қадамлар ташланди. Бугун қўшни мамлакатлар ўртасида ҳал қилинмаган муаммонинг ўзи қолмади, дейишга тўла асослар бор. Энг муҳими, азалдан қуда-анда, қавм-қариндош ҳамда жон қўшни бўлиб яшаган фуқароларнинг борди-келдисига кенг йўл очилди.

Бундай туб ўзгаришлар Ўзбекистоннинг Афғонистон билан муносабатларида ҳам

яққол намоён бўлмоқда. 2017 йил мамлакатларимиз ҳамкорлик муносабатларида тарихий йил бўлди. Икки мам-лакат Президентлари дўстона, самимий ва ўзаро ишончга асосланган мулоқотни йўлга қўйишга эришилди. Ўтган йил декабрь ойида Афғонис-тон Президенти Ашраф Гани-нинг Ўзбекистонга таширифи икки давлат муносабатларида янги саҳифа очди. Ташриф якунига кўра, сиёсий, савдо-иктисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларга оид 20 ҳужжат имзоланди, 40 дан ортққ тижорат келишувлари-га эришилди. Ҳужжатларнинг аксарияти нафақат Афғонис-тон ва Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун стратегик аҳамият касб этади. Бугунги кунда ўзбекистонлик мутахас-сислар томонидан Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли ва Сурхон — Пули Хумри электр узатиш линияси қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан иш-лар бошлаб боририлди. Уму-ман, ўтган бир ярим йил ичи-да Афғонистондан мамлакати-мизга 20 дан ортққ делега-циялар ташириф бурюди. Таъ-кидлаш керакки, бундай кўламдаги делегациялар ал-машуви ўзбек — афғон муно-сабатларида илгари кузатил-маган. Энг муҳими, ақин йил-ларда икки давлат ўзаро сав-до айланмасини 1,5 миллиард долларга етказиш устида фаол иш олиб бормоқда.

Конференция ялпи мажлис-ларида афғон муаммосини ҳал этишда ҳамжиҳатлик зарури-ли қайд этилди. Албатта, мам-лакатлар Афғонистонга иқти-содий, гуманитар ёрдам бе-риб келмоқда. Аммо улар бир фикрда ақдикли, Тошкент та-шаббуси билан ўтказилган ан-жуман ўта долзарблиги билан аҳамиятлидир. Чунки афғон муаммосини ҳал қилиш бўйи-ча ҳар томонлама сиёсий, дипломатик савий-ҳаракатлар-ни бирлаштиришнинг вақти аллақачон келган эди.

Сўз — конференция иштирокчиларига

Сергей ЛАВРОВ, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири:

— Сўнгги пайтлар Марказий Осиё-нинг беш мамлакатини ўртасидаги му-носабатлар ижобий сурбат касб эт-моқда. Нафақат минтақавий муаммо-ларни ҳал қилиш, балки қўшни Аф-ғонистонга кўмак бериш учун ҳам ша-роитлар юзага келди. Айнакса, бир-галикдаги савий-ҳаракатларга катта эҳтиёж бўлган бир шароитда бу жуда муҳимдир. Тўғри, Афғонистондаги ва-зият ижобий тарафга ўзгармаяпти. Тарихий тажрибадан маълум: афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал этишнинг иложи йўқ. Фақатгина аф-ғон ҳукумати ва “Толибон” ҳаракати ўртасида конструктив мулоқотни йўлга қўйиш орқалигина ҳақиқий тинч-лик ҳамда барқарорликка эришиш мумкин. Биз ушбу жиҳатлар Тошкент декларациясида ўз ифодасини топа-ганини олқишлаймиз. Афғонистонда тинч ва осойишта ҳаёт ҳукм суриши, ушбу мамлакат террорчилик, нарко-трафик ҳамда бошқа хатарлардан холи бўлиши барчамизнинг миллий манфаатларимизга жавоб беради. Минтақадаги тинчлик ва барқарор-ликка қизиқиш билдирган барчаннинг савий-ҳаракатини бирлаштиришга ёрдам берган Тошкент конферен-циясидан умидимиз катта.

Томас ШЭННОН, АКШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари:

— Президент Трамп ҳамда АКШ аҳолиси номидан Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёевга Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатили-ши бўйича барчамизни бир даврга тўплагани учун миннатдорлик бил-дираман.

Биз Президент Мирзиёевнинг та-шаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлай-миз. Унинг минтақадаги мамлакат-лар билан муносабатларни мустаҳ-камлаш йўлида илгари сураётган савий-ҳаракатларини эътироф эта-миз. Минтақанинг иқтисодий имко-ниятларини ошириш, инвестициявий жозибаторлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам диқ-қатга сазовор.

Биз Афғонистон Президентининг музокара қилишга чакирган ташаб-бусини қўллаб-қувватлаймиз. Энди-ги қадамни у ердаги сиёсий гуруҳ-лар ташлаши керак.

Мен Ўзбекистон ва Афғонистон раҳбарларининг нутқларини диққат билан тингладим. Уларда қарийб 40 йилдан бери тугамаётган афғон

можаросини ҳал қилиш бўйича қатъ-ий сиёсий хоҳиш, ирода намоён бўлди. Ушбу мамлакатнинг жафокаш халқи урушдан, теракт, зўравонлик ва наркотрафикдан азият чекмоқда. Шунинг учун ҳам доимий равишда ҳамкорликни кучайтириш, мазкур мамлакатнинг иқтисодий ривожлани-шига кўмаклашиш ҳамманинг умумий манфаатларига жавоб беради. Биз Афғонистонга барқарорликка эриши-ши ҳамда турли таҳдидларга муста-қил курашишга қодир бўлишига ёрдам беришимиз зарур. Ўз навба-тида, Ўзбекистон минтақанинг ри-вожланишига салмоқчи ҳисса қўшаётганидан мамнунмиз.

Эрлан АБДИЛДАЕВ, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири:

— Қарийб 40 йилдирки, Афғонис-тонда қонли тўқнашувларнинг охири кўринмаяпти. Осиёнинг энг қадимий халқларидан бири бўлиш афғон халқи тинчлик ва осойишталикда яшашга тўлақонли ҳақли. Биз анжу-манда иштирок этган бошқа делега-циялар вакиллари сингари “Толибон”-ни зўравонлик хатти-ҳаракатларидан воз кечиб, афғон ҳукумати билан мо-жарога узил-кесил нукта қўйиш учун музокаралар столига ўтиришга қақи-рамиз. Бизнинг асосий мақсадимиз трансчегаравий террористик тармоқ-лар, жиноий тузилмалар томонидан яратилаётган таҳдидларга барҳам бе-риришдир. Қирғизистон “Истанбул жа-раёни” иштирокчиси сифатида Афғо-нистон ҳамда бошқа манфаатдор то-монлар билан “Қобул жараёни”ни қўллаб-қувватлашга тайёр. Бу жара-ён минтақада тинчлик ва ишонч му-ҳитини мустаҳкамлаш, муҳим минта-қавий ҳамда субминтақавий лойиҳа-ларни Афғонистон Ислом Респу-бликаси иштирокида амалга оширишда катта аҳамиятга эга. Биз Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларига маз-кур конференцияни ўтказиш ташаббу-си ҳамда унинг очилишида иштирок этгани учун миннатдорлик билдира-миз. Уларнинг Афғонистонда тинчлик жараёнини ривожлантириш, хавфсиз-лик ва минтақавий масалаларда ҳам-корликни чуқурлаштиришга оид фикр-лари алоҳида аҳамиятга эга.

Тадмунги ЯМАМОТО, БМТнинг Афғонистондаги махсус вакили:

— Афғонистонда тинчлик, барқа-рорлик ва минтақавий хавфсизлик-ни мустаҳкамлашга қаратилган бун-дай юкори даражадаги анжуманнинг

ташкил қилиниши Ўзбекистон илгари сураётган конструктив ташаббуслардан биридир. Дунё ахли ушбу та-шаббуслар минтақага қай даражада ижобий таъсир кўрсатаётганига, Аф-ғонистон ҳаётида бу қандай акс этаётганига гувоҳ бўлмоқда. Анжу-манда Афғонистон шериклари ҳамда қўшниларига алоҳида эътибор қари-тилмоқда. Улар 2001 йилдан Афғо-нистон Ислом Республикасида тинч-лик ва барқарорликни тиклашга кўмаклашиб келмоқда. Марказий Осиёнинг беш мамлакатини ва Афғо-нистон умумий тарихи, маданияти ҳамда географик нуқтаи назардан узвий боғланган. Улар хавфли таҳ-дидларга биргаликда жавоб қайта-ришда, терроризм, радикализмга қарши курашишда, савдо алоқа-ларини кенгайтиришда ва фавуқлодда ҳолатлардаги рискларни бошқариш-да катта салоҳиятга эга. Минтақада хавфсизликни таъминлашда Ўзбе-кистоннинг таъсири кенгайиб бор-моқда.

Афғонистон Президенти Ашраф Гани ва ҳукумат ҳеч қанақа даст-лабки шартларсиз “Толибон”лар билан музокара ўтказиш ташаб-бусини билдираяпти. Бу жараён янги воқеликни яратади, одамлар қалбида эртанги кунга умид уйғотади.

Маркус ПОТЦЕЛЬ, Германиянинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили:

— Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиёда барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича ислохотларни амалга ошириш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Германия бу савий-ҳаракатларни қўллаб-қувватлай-ди. Тошкент конференцияси ташаб-буси Афғонистонда тинчликни тик-лашга катта ҳисса қўшади. Афғонис-тон минтақада қурол, гиёҳванд мод-далар ноқонуний айланиши ҳамда терроризм кучайган ҳудуддир. Фақат-гина ҳарбий йўл билан муаммони ҳал қилишнинг иложи йўқлигини яхши тушунамиз. Шу сабаб Президент Ашраф Ганининг у ерда сиёсий куч-лар билан ҳеч қандай шартларсиз му-зокараларга киришиши бўйича та-шаббуси ижобий ҳаракатдир. Тош-кент конференцияси афғон мамлака-тида тинчлик ўрнатилишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Гарет БЕЙЛИ, Буюк Британия бош вазирининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили:

— Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ҳукм суриши, иқтисо-дий тараққиётга эришиши йўлида катта савий-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг бундай ташаббусларидан фақат қойил қоламиз. Биз Президент Ашраф Ганининг “Толибон”ни музокара столи-га ўтиришга чакирган баёнотларини ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Биз ҳам Аф-ғонистон учун порлоқ келажакни ис-таймиз. Барчамиз сиёсий қуларни му-зокаралар ўтказиш заруриллигига ишо-нлиримиз керак. Минтақавий иқтисо-дий интеграция нафақат Афғонистон, балки умуман, бутун минтақага фаро-новлик олиб келишига аминман. Биз Тошкент конференциясида минтақанинг узок мuddатли равнақи йўлида ҳамкор-ликка тайёрлигимизни аниқ намоиш этишимиз керак. Биз Афғонистонда тинчликка эришиш учун сабр, вақт ва қатъиятlilik кераклигини яхши тушу-намиз.

Конференция иштирокчилари анжу-ман якуни бўйича Тошкент декларация-сини имзоладилар. Унда мазкур анжу-ман Афғонистон олиб бораётган тинч-лик жараёнини халқаро ҳамжамият то-монидан қўллаб-қувватлашга доир савий-ҳаракатларнинг давоми сифати-да кўрилади. Жумладан, декларацияда Афғонистонда ҳеч қанақа шартларсиз ҳамда “Толибон” билан тўлақонли тинчлик сулҳига эришиш учун музока-ралар жараёнини қатъий қўллаб-қувват-лашга доир баёнот мустаҳкамлаб қўйилган. “Толибон” ҳаракатига ушбу таклифни қабул қилиш, Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни ўрнатишда ўз масъулиятини тан олишга қаҳирқи ҳам акс этди. Декларацияда, шунингдек, терроризмга, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кура-шишнинг ҳамда минтақавий иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришнинг асосий тамойиллари ўз ифодасини топди. Ўзбекистоннинг тинчлик, хавфсизлик ва минтақавий ҳамкорлик масалалари бўйича мустаҳкам ҳамда кенг мёқссли халқаро ва минтақавий консенсусни яратиш борасидаги савий-ҳаракатлари эътироф этилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари Омонулла ФАЙЗИЕВ ва Қобил ХИДИРОВ тайёрлади.

Деҳқончилик тақвимига кўра, ҳозир йилнинг биринчи ойи — ҳамал. “Ҳамал кирди, амал кирди”, дейди халқимиз. Бунинг маъноси шуки, ушбу пайтда бутун борлиқ уйғонади, ерга суқилган чўп заминдан қувват олиб, барг ёзади, тупроқ остида қолган уруғ илдиз отиб, палак ёяди. Шу боис деҳқонлар азал-азалдан экин-тикин ишларини ҳамалдан кечиктирмаслик, агротехника тадбирларини сифатли бажариш пайдан бўладилар. Ахир унинг бир куни йилга татийди-да!

Мутахассисларнинг айтишича, ҳамалнинг деҳқончиликдаги ўрни, айниқса, бўлакча. Гап шундаки, ушбу ойда

СУВ КЕЧАЮ КУНДУЗ ОҚАЯПТИ, УНДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЯПМИЗМИ?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 23 март куни қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишлаб ўтказилган йиғилишда ғалла экилган майдонларни ўз вақтида суғоришни тўғри ташкил этиш ҳамда обиҳаётнинг беҳуда исроф этилишига йўл қўймаслик лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Ҳозирги пайтда асосий майдонларда ғалланинг ҳолати қониқарли бўлса-да, бир неча минг гектардаги экиннинг ривожинисбатан ортда қолаяпти. Тошкент, Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Наманган вилоятларидаги айрим ғалла майдонлари шулар сирасига киради. Бунинг асосий сабаби сифатида сувдан самарали фойдаланиш ишлари тўғри ташкил этилмагани, ғаллага ажратилган обиҳаётнинг катта қисми бошқа экинларни суғоришга сарфлангани кўрсатилмоқда.

Камчиликларни тезда бартараф этиш керак

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг қайд этишича, қиш фаслининг нисбатан куруқ, камёғин келгани ғалла майсалари ривожланишига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. Шу боис Президентимиз таъкидлаганидек, фермерлар ва соҳа ходимлари экин парваришига ҳар қачонгидан ҳам эътиборли бўлиб, жиддий ёндашишлари лозим. Бунда агротехника тадбирларини республика-киш минтақаларининг тупроқ-иклим шароитини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш зарур.

Хўш, энг муҳим агротехника тадбирларидан бири — суғоришда нималарга эътибор қаратиш зарур? Энг аввало, сувнинг беҳуда сарфланишининг олдини олиш мақсадига суғориш тармоқлари, ариқларни тозалаш катта аҳамиятга эга. Бу орқали ариқ-зовурларда тўпланиб қолган бегона ўтлар қолдиқ ҳамда уруғларнинг пайкалларга тарқалишининг олди ҳам олинади.

Суғоришда истиқболли имконият

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми суғорма деҳқончилик юритиладиган ерларда етиштирилади. Бундай жойлардан мўл, сифатли, арзон ва экологик тоза ҳосил олиш, аввало, сув таъминоти, қолаверса, тупроқ таркиби, деҳқончилик маданиятининг шаклланганлик даражаси, илгор агротехникаларнинг қўлланилишига боғлиқ. Кейинги пайтда кузатилаётган сув танқислиги айрим фермер хўжаликларида экинларни ўз муддатида суғориш имкониятининг чекланишига, ҳосилдорликнинг пасайишига, ҳатто экин майдонларининг бир қисми қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабаб бўлмоқда.

Амалиётда ғўза ҳамда куз-ги бугдойни суғоришда қўлла-ниладиган усулларнинг барчаси сув танқис бўлмаган ва экинларни ўз муддатида суғориш имконияти мавжуд бўлган ҳудудларга тегишли. Сув танқис бўлган шароитда қишлоқ хўжалиги экинларини коллектор-дренаж тармоғидан олинадиган суюқ қоришма билан суғориш ҳисобига улар-

нинг сув ҳамда органик ва минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш имкониятлари мавжуд.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, балчиқ ёки сапропель қадимдан тиббиётда ҳамда қишлоқ хўжалигида фойдала-ниб келинади. Мисрликлар Нил дарёси остидаги лойқадан ер-ларни ўғитлашда фойдаланиш-ган бўлса, ҳозирги вақтда Рос-

сияда ва бошқа қатор давлат-ларда қўлларда шаклланган балчиқ аграр соҳада ишлати-лади. Шу нуктаи назардан қара-ганда, бугунги кунда республи-камизда ерларнинг мелioraтив ҳолатини яхшилаш мақсадига коллектор-зовурлар остидаги балчининг фойдали хусусият-ларини ўрганиш ва ундан ама-лиётда фойдаланишни илмий асосда йўлга қўйиш долзарб

масалалардан саналади. Мазкур йўналишдаги даст-лабки кузатув ҳамда тажриба-лар 2010 йилда Бухоро вило-ятининг Қорақўл туманидаги “Бойли бобо” фермер хўжали-ги далаларида бошланган. Сув танқис бўлган шароитда ғўза ва ғалла коллектор-зовурлар-даги сув ҳамда балчик ара-лашмаси билан суғорилгач, ушбу усул бир вақтнинг ўзида ўсимликнинг сувга, минерал ва органик моддаларга бўлган талабини қондиришда кўл кел-ди. Бунинг учун дастлаб кол-лектор-дренаж тармоғининг далани суғориш учун қулай ҳамда тубида чўкма ҳолидаги балчиқ йиғилган қисми аниқ-лаб олинади. Тармоқнинг ўша қисмида сув оқимини секин-

лаштириш чоралари кўрилади ва сув ҳамда балчиқ аралаш-тирилиб, суюқ қоришма ҳоли-га келтирилади. Ҳосил бўлган қоришма насослар ёрдамида тортилиб, далага йўналтири-лади. Бу усулни экиннинг ик-кинчи ва ундан кейинги суго-риш даврида қўллаш мақсад-га мувофиқдир.

Дастлабки кузатув ҳамда таҳлиллар шундан далолат берадики, балчиқ ва сув ара-

лашмаси қўлланилган дала-ларда ҳосилдорлик нисбатан юқори бўлади. Яна бир му-ҳим жиҳати, мазкур усул ма-шаққатли меҳнат эвазига етиштирилган кўчатларни тўлиқ сақлаб қолиш бароба-рида, хўжаликнинг минерал ҳамда органик моддаларга

бўлган талабини камайтириш орқали иқтисодий аҳолини янада яхшилаш имконини бе-ради. Бундан ташқари, етиштирилаётган ҳосил та-на-рхини пасайтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъмин-лаш ва экологик тоза маҳсу-лот етиштириш ҳамда суғор-ма деҳқончилик юритиладиган экин майдонларининг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиши-нинг олдини олишда қўл келади.

Келгусида ушбу йўналиш-даги илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш коллек-тор-дренаж суви ва балчиқ аралашмасини бошқа экин-ларни суғориш ҳамда ўғит-лашда ҳам қўллашда, айниқ-

қишловдан чиққан майсалар қондириб суғорилса, минерал ўғитлар билан обитобида озиқлантирилса, касалликларга қарши зарур чоралар кўрилса, экин баравж ривожланиб, баракали ҳосилга мустаҳкам пойдевор қўйилади. Бунда сувнинг беҳуда исроф бўлишига йўл қўймаслик, бепарволикка берилмасликнинг аҳамияти бениҳоя катта. Акс ҳолда, деҳқон қилган меҳнатию харажатига қуйиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Таассуфки, айрим жойларда сув кечаю кундуз беҳуда оқиб ётибди. Деҳқон ундан атиги 4-5 соат фойдаланмоқда. Қолган пайтларда эса сув қаровсиз қолаяпти.



қолиб, экинга ўз вақтида сув бериш-маган.

— Тумандаги пайкалларнинг асосий қисмини сув билан таъмин-лашда деярли муаммо йўқ, — дейди туман қишлоқ хўжалиги бўлими бош-лиғи ўринбосари Шўхрат Дўстбеков. — Сув йўли тўсилса, пайкалга қараб равон оқиб кетаверади. Фақатгина 600 гектар майдон насослар ёрда-мида суғорилади. Ана шундай бир шароитда ниҳолнинг чанқатиб қўйи-лишига фермернинг масъулиятсиз-лигидан ўзга сабаб йўқ. Шу кунлар-да мавжуд ғаллазорларнинг 5416 гектари сувдан чиққанлиги ҳам юқоридаги фикрнинг исботидир.

Бу йил пискентликлар 26,5 минг тонна, шу жумладан, 6 минг тонна уруғлик ғалла етказиб беришлари керак. Майдонларга “Краснодар”, “Гром”, “Таня”, “Бригада” каби си-налган навлар экилган. Экинларни минерал ўғитлар билан озиқланти-риш ишлари, асосан, акунланди. Бе-гона ўтларга қарши гербицид пур-каш 60 фоиз, занг касаллигига қарши фунгицид сепиш 11 фоиз бажарилди.

Албатта, ғалла парваришида ми-нерал ўғитларнинг аҳамияти катта. Экинни озиқлантиришда маҳаллий ўғитдан ҳам фойдаланилса, ниҳол-лар баравж ривожланади, сувга бўлган талаби камаяди. Бироқ бу бо-рада белгиланган чора-тадбирларга қарамасдан, далаларга маҳаллий ўғит чиқаришда, экинларни “шарбат” усулида суғоришда ҳануз муаммо-лар борлиги кишини ташвишга солади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларига ғалла майдонлари-га ҳимоя воситалари, жумладан, фунгицид ва гербицид аралашмаси-ни сепишни 30 мартгача тўлиқ акун-лаш, ғалла майдонларига март ойи-да яна бир марта ҳамда апрель ойи-да каммида икки марта суспензия сепишни қатъий назоратда олиш ва-зифаси юклатилган бўлиб, ушбу тад-бирларнинг изчил ижроси юзасидан амалий чора-тадбирлар қўрилкоқда.

Сирдарё — Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бош-лиғи Шўхрат Жўраевнинг маълум қилишича, Жиззах вилоятида жами 104 минг гектар майдонга ғалла экилган бўлиб, кунига 107,8 м³/с сув олиниб, 7 минг 344 гектари суғори-лаётир.

Айни пайтда вилоят “Сувназорат” инспекцияси билан ҳамкорликда сув-ни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига инновацион техно-логияларни татбиқ этиш бўйича иш-лар йўлга қўйилаётгани айтилмоқда. Бу яхши гап. Аммо унинг натижасини кўриб ҳулоса қилсак, маъқулроқ,

Қисқаси, ҳозир, керак бўлса, ёпишиб, тармашиб, кундузни кундуз, кечани кеча демай ғаллазорларни суғориб олиш, ҳолсиз жонига қув-ват бериб, қўзланган режани бажариш учун астойдил меҳнат қилиш пайти. Зеро, бугун ҳар бир деҳқон, ҳар бир ғаллакорнинг олдида жуда масъулиятли вазифалар турибди. Айниқса, қатраси олтинга тенг обиҳаётни тежаб-тергаб, оқилона ишлатишнинг аҳамияти бекиёс. Шундагина ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ғалла майдонларидан қутилган мўл ҳосил олинади.

“Халқ сўзш” мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

тиришда айрим хўжаликлар-да кузатиладиган сув тан-қислгининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда, кол-лектор-зовур сувлари ҳамда балчининг минерал ва орга-ник таркибини чуқур ўрганиш ҳамда унинг ўсимликка таъ-сир этиш механизмлари-ни аниқлаш, иқтисодий самарадорликни баҳолаш устувор вазифалардан бири-дир.

Ҳулоса ўрнида айтганда, ғал-лачиликда экинни маромида су-ғоришда ҳикмат кўп. Қолавер-са, ушбу зарурий агротехника тадбирини ўз вақтида, сифат-ли ўтказиш, бунда илгор иш-ланмалардан кенг фойдаланиш юқори ҳисса қафолатидир.

Фохриддин ХОЛБОВЕ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

Эксперт фикри

Ўзбекистон инвесторларга «очик таклифнома» юбормокда

Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган Ўзбекистонни 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари жамият ҳаётининг барча жабҳаси чуқур ўрганилган ва таҳлил қилинган ҳолда ишлаб чиқилган, мамлакатни янгилашнинг аниқ стратегияси сифатида гадаланади.

Дунё иқтисодиётидаги турғунлик-ка қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фаол сий-ҳаракатлари 2017 йилда зарур нати-

цияси мамлакатдаги янгиланишлар даврида сармоядорларни чорлайди-ган ўзига хос “очик таклифнома” ҳисобланади.

Масалан, Хитойда Дэн Сяопин 1978 йилдан “ислохотлар ҳамда очкилик” сиёсатини жорий қилди. Унга кўра, махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг тамол тоши бўлиши лозим эди. Айнан махсус иқтисодий зоналар кейинги ўттиз йил давомида Хитойда ялпи ички маҳсулотнинг икки хонали рақамларда ўсишига имкон берди. Худди шундай, Ўзбекистонда ташкил қилинган махсус сонаот ва иқтисодий зоналар ҳам ўз самарасини бера бошлади.

Халқаро инвесторлар нуктаи назарича, Ўзбекистон иқтисодиётини янада либераллаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизациялашга қаратилган кўламли ислохотлар, шунингдек, валютанинг эркин конверта-

Президент Шавкат Мирзиёевнинг парламентга Мурожаатномаси мустахкам давлатни малакали ва истеъдодли кадрларсиз барпо этиш имконсиз эканлигини яна бир карра тасдиқлади. Шу маънода, Ўзбекистон ёшларининг халқаро ассоциацияси тузилиши мамлакат равнақида ҳал

халқ билан мулоқот тамойили давлат бошқаруви тизими самардорлигини тубдан оширишда асосий ўрин тутишини бот-бот таъкидлаб келади. Бундай ахборотларнинг мамлакат аҳолиси ва дунё ҳамжамиятига етказилиши Ўзбекистоннинг ўз олдига қўйган мақсадларга эришишида ҳар

томонлама кўллаб-қувватланишига замин яратади. Бу ниҳоятда муҳимдир.

Халқаро майдондаги ноаниқликлар, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий моҳаролар, миллатчилик унсурлари тобора намоён бўлаётган бир шароитда Ўзбекистон ҳукумати кенг кўламли ривожланишга ҳамда иқтисодий самарадорликка эриша олди. Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида ҳал қилувчи ўрин тутди. Бинобарин, Ғарбу Шарқни ўзаро боғлаган Буюк Ипак йўлининг тарихий тараққиёти чоррахасидаги мазкур мамлакат илм-фан ва сиёсий барқарорлик маркази ҳам бўлган. Уйлаймизки, Тошкент олиб бораётган сиёсат замирида устуворлик мавқеини тиклаш мақсади мужжасам, десак, хато бўлмайди.

Алессандро АРДУИНО, Шанхай ижтимоий фанлар академияси хузуридаги Хавфсизлики таъминлаш ва инкирозли вазиятларни тартибга солиш бўйича халқаро марказ директори.

Туризм

Қадимий Бухоронинг аҳоли гавжум жойларида йўлкўрсаткичлар ўрнатилмокда. Уларга маданни объектлар манзиллари турли тилларда ёзилган бўлиб, бу сайёҳларга ўша жойларни қийналмасдан топишларига имкон беради.

Сайёҳлар учун қулайликлар

— Туризмни ривожлантириш дастурига мувофиқ, сайёҳларга қатор қулайликлар яратилмокда, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг худудий бошқармаси бош мутахассиси Шохаббос Шарофиддинов. — Жумладан, тижорат банклари томонидан йўлкўрсаткичлар сонини ўттизтага етказиш мўлжалланган. “EASTLINE tour” масъулияти чекланган жамияти шахримиз меҳмонларига ахборот хизмати кўрсатиш мақсадида 4 та инфокиоск ўрнатди. Биргина эски шаҳарда турли сувенирлар савдоси билан шуғулланувчи юздан зиёд шохобчалар, савдо расталари фаолият юритмокда. Шунингдек, сайёҳларга мобил иловара орқали такси хизматини кўрсатиш тадбирлари қўриллапти. Бешта туманда эса хунармандчилик марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, сайёҳларни халқ амалий санъати усталарининг иходий ишлари билан яқиндан таништириш б о р а с и д а д а д и л с а ь й-ҳ а р а к а т л а р г а киришди.

— Туманимиз марказида Хожа Абдуллохик Гиждувоний қадамжоси жойлашган, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, гиждувонлик таникли кулол Абдулла Нарзуллаев. — Бу ерга келаётган сайёҳлару зиёратчиларни Гиждувон кулоллик мактаби фаолияти билан таништираяпмиз. Уларга эсдалик совғалар бера-япмиз. 800 га яқин экспонатларга эга уй-музейимиз ҳам туристларда катта қизиқиш уйғотмокда. Йўллар атрофи ободонлаштирилётгани, янги хизмат турлари жорий этилаётгани эса сайёҳлар оқимининг кўпайишига олиб келади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Гиднинг маҳоратига кўп нарса боғлиқ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда туризмни ривожлантириш бўйича туб ислохотлар амалга оширилаёттир. Буни бугун ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Масалан, давлатимиз раҳбарининг ички туризмни, кириш туризмни янада такомиллаштиришга оид қарорлари соҳа тараққиётида, муаммолар ечимида муҳим ўрин тутаеттир.

АКС САДО

“Халқ сўзи” газетасининг 24 февраль сониди академик Бакриддин Зариповнинг “Гид ватанпарвар бўлсагина ҳақиқий профессионалдир” номли мақоласини ўқиб, муаллифнинг сайёҳликни равнақ топтириш борасида келтирган асосли хулосалари ва таклифлари мазкур мавзуга ўз муносабатимни билдиришга ундади. Таъкидланганидек, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, фанни тарғиб этадиган музейлар ташкил этилса, нур устига аъло нур бўлар эди. Бойси музейлар инсон руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиб, маънавиятини юксалтиради, шонли тарихимизни аждодлардан авлодларга етказди.

Мақолада Б. Зарипов Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитажда “Мона Лиза” портретини кўрганини ва уни изоҳлаётган гиднинг маҳоратини тасвирлайди. Гиднинг сайёҳларни ўзига боғлаб олишдек истеъдоди-га қойил қолмасдан иложиниз йўқ, Мана, сизга ўз касбининг ҳақиқий профессионали.

Дарҳақиқат, гиднинг маҳоратига кўп нарса боғлиқ. Шу маънода, мамлакатимизга келган туристларга бирор-бир объект, иншоот, зиёратгоҳ ёки мангу

қўним топган аломаларини эътиҳада батафсил маълумот бериш учун гиддан катта маҳорат талаб этилади. Яъни у нафақат

қўйиш мақсадга мувофиқдир. Аҳамиятлиси шундаки, бу орқали гидлар нафақат тарихий воқеаларни, балки маълумотларни қизиқарли



билимдон, балки ҳақиқий ватанпарвар ҳам бўлиши керак. Негаки, бир нарсани ҳис-ҳаяжон билан, бутун вужуди билан, берилиб ва албатта моҳирона тасвирласа, у ҳар қандай киши қалбига, юрагининг туб-тубига етиб боради, бир умр эслаб юради. Мана, гидларнинг маҳорати, мана, гидларнинг профессионалиги нимада?!

Шу боис гидларни тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва малакасини оширадиган алоҳида марказ фаолиятини йўлга

ҳамда таъсирчан усулларда, ҳиссиёт билан сайёҳларга етказиб беришига эришилади, бунда хориж тажрибасини ўрганиш эса юқоридаги каби муаммоларнинг барҳам топишига асос яратади.

Аслида туризм йўналишида майда, иккинчи даражли ишининг ўзи бўлмаслиги керак. Барча масала ўзаро боғлиқ ҳолда ечимини топиб бориши лозим. Ҳамма нарсасга меҳмоннинг кўзи билан қарама, камчиликлар кўзга яқол ташланади. Муаллиф мана шу жи-

ҳатларга ҳам эътибор бериб, йўлбўйи инфратузилмаларидаги муаммоларни тўғрисида ҳам ўз муносабатини баён қилади. Барчамиз бундай ҳолатларга ғуво бўлганмиз, албатта. Аммо бефарқлигимиз, эътиборсизлигимиз сабаб индамай ўтиб кетаверамиз.

Ёки яна бир ҳолатга эътибор қаратинг. Муқаддас қадамжоларга ташриф буюрганимизда миллий урф-одатларимизни акс эттирувчи санъат асарлари, эсдалик совғалар сотади-ган дўконларни кўрамиз. У ерда сотувчиларнинг асосий мақсади миллатимизни, қадриятларимизни кўз-кўз қилиш орқали дунёга тарғиб этиш эмас, балки қандай бўлмасин, буюмини пуллаш эканини сезасиз. Бу билан сайёҳларга товарини текин берсин, демокчи эмасмиз. Лекин миллий маҳсулотларимизни туристларга таништириш, кўз-кўз қилишда ҳам улардан

ҳақиқий ватанпарварлик талаб этилади.

Муаллифнинг мактаб ўқувчилари учун музейларга киришни бепул қилиш таклифини кўллаб-қувватлайман. Тўғри, айрим ҳолларда музейларга кириш режа асосида бепул. Лекин бунин доимий тарзда йўлга қўйиш айна муддаодир. Юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича қўрилаган амалий чора-тадбирлар, албатта, ўз натижасини беради.

Раъно ТУРДИБОВА, юридик фанлар номзоди.

Амалий мулоқот

Қорақалпоғистонлик фермерлар Германия тажрибасини ўрганишди

Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, айниқса, чорвачиликка ихтисослаштирилган мулкдорлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш, наслдор чорва молларини кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш, тармокқа хорижнинг илғор тажрибаларини татбиқ этиш орқали маҳсулдорлиқни оширишга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга сафари якунлари бўйича қабул қилинган “Йўл харитаси”нинг ижроси сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши мақсадлари доирасида ушбу минтақа фермер хўжаликлари вакиллари мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси кўмагида Германияда бўлиб қайтишди.

Сафар давомида улар германиялик касбдошлари, шунингдек, соҳанинг илмий-тадқиқот марказлари, уюшма ва компаниялари фаолияти ҳамда сут-гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зотдор қорамоллар етиштиришнинг замонавий технологиялари ва самарали усуллари билан танишдилар.

Жумладан, қорақалпоғистонлик фермерлар Мекленбург Олд Померания федерал ерида “Rinderallianz” зотдор чорвачилик уюшмасида, қорамоллар етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ва тармок компанияларида бўлишиб, ветеринария назорати, озуқа тайёрлаш, уларни сақлашга оид лаборатория тадқиқотлари ҳамда технологиялари билан танишдилар. “Bioenergie Postma” фермер хўжалигида қорақалпоғистонлик меҳмонлар соати-га 350 кВт электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати-га эга биогаз станциясида бўлишди. 1,5 минг гектар ер ва 500 бош соғин сигирга эга мазкур фермер хўжалиги нафақат сут ҳамда гўшт маҳсулотлари, балки биогаз станциясида ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини ортиқчасини ҳам сотади.

Федерал ернинг йирик

Хольгер РАЙМЕР, “Rinderallianz” зотдор чорвачилик уюшмаси вакили: — Қорақалпоғистонлик фермерлар билан учрашиб, қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишининг турли қирраларини биргаликда муҳокама қилдик, ўзаро тажриба алмашдик. Фермер хўжаликлари ҳамда агро-саноат мажмуининг бошқа жабҳалари даражасида икки томонлама манфаатли ҳамкорликнинг истиқболлари намоён бўлмокда. Биз қорақалпоғистонлик фермерлар бошлаган эзгу ишларни кўллаб-қувватлашга тайёرمىз.

Томас АВЕПТ, “RBB Rinderproduktion Berlin-Brandenburg GmbH” чорвачилик мажмуи бошқарувчиси: — Қорақалпоғистонлик дўстларимизда келажакка ишонч билан қарашни ҳамда зотдор қорамолларни кўпайтириш юзасидан ўзаро ҳамкорлик учун астойдил қизиқишни кўрдик. Уларнинг Германияга келиши бизга Ўзбекистоннинг мазкур минтақасидаги қишлоқ хўжалиги салоҳияти ҳамда тадбиркорлик ривожланиши ҳақидаги маълумотлар билан яқиндан танишиш имкониятини яратди. Бундай яқин ҳамкорликдан фақат мамнун бўламиз.

Иво МЕКЛЕНБУРГ, ижтимоий агроном, “Gut Stieten” фермер хўжалиги вакили: — Қорақалпоғистон Республикаси фермерларининг хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини ўрганиш асосида чорвачиликни ривожлантиришда сифат ўзгаришларига эришишга бўлган амалий интилишлари қувонарли ҳолдир.



илмий марказларидан бири — Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот институтида (LUF) бўлиб ўтган учрашув доирасида олим ва мутахассислар томонидан делегация аъзолари учун махсус тақдимот ташкил этилди. 1875 йилда асос солинган ушбу илмий муассаса энг замонавий лаборатория билан жиҳозланган бўлиб, институтда, асосан, тупроқ таркиби, чорва озукаси ва ўсимликларнинг кимёвий таҳлили тадқиқ этилади.

Қорақалпоғистонлик фермерлар ушбу илмий марказда озукабоп экинларнинг юқори ҳосили, янги навляри яратиш ва экиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар, шунингдек, чорва озукаси маҳсулотларини етиштириш ҳамда таркибини белгилашда замонавий ва тежамкор технологиялардан фойдаланиш имкониятлари билан яқиндан танишишди. Айниқса, ер таҳлили, шўрланган ерлар таркибини ўрганиш ҳамда шўрланишни бартараф этиш орқали ҳосилдорлиқни ошириш борасида эришилган натижалар тақдироти юрт-

дошларимизда катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимиз делегацияси аъзоларининг Бранденбург федерал еридаги чорвачиликка ихтисослаштирилган қатор ташкилотлар ва фермер хўжаликларидаги учрашувлари ҳам самарали бўлди.

Сафар якунлари бўйича Германиядан 1000 бош насли қорамол сотиб олиш, шунингдек, қорақалпоғистонлик фермерларнинг бу ерда малака оширишларини ташкил этишга келишилди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистондаги шўрланган ерлар намуналари ҳам Германия лабораториясида таҳлил этиладиган бўлди. LUFА институти раҳбарияти Оролбўйидаги иқлим ҳамда экологик ҳолатни ўрганиш учун ушбу минтақага сафар уюштириш ташаббусини илгари сурди.

“Жаҳон” ахборот агентлиги муҳбирининг германиялик мутахассислар ва Ўзбекистон делегацияси аъзолари билан суҳбати чоғида аграр соҳадаги икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди. Улар, жумладан, қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдиришди:

Райнхард МАНГЕР, “Bio-Molkerei Lobetal” фермер хўжалиги директори: — Сут комбинатимизнинг ўзига хослиги шундаки, бу ерда жисмоний имконияти чекланган одамлар меҳнат қилишади. Шу боис қорақалпоғистонлик ҳамкасбларимизнинг қорхонамизга келгани инклюзив меҳнат билан бандлик тажрибасини ўрганиш нуктаи назаридан фойдали бўлди, деб ўйлайман.

Жанбул АДИЛОВ, Тахтақўпир тумани ҳокими: — Германиянинг ветеринария ва ер ресурсларидан унумли фойдаланиш соҳаларидаги илғор тажрибаси бизда катта таассурот қолдирди. Хусусан, сутни қайта ишлашда фойдаланиладиган энг янги технологиялар имкониятларини кўрдик, қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланиш ҳамда озуқа экинлари етиштиришдаги илғор услублар билан бевосита танишишга муваффақ бўлдик. Сафар давомида фаолиятини ўрганишимиз айрим компаниялар билан шартномалар имзолашни режалаштираяпмиз. Шулари ҳисобга олган ҳолда, туманимизнинг бу йўналишлардаги имкониятларидан келиб чиқиб, немис тажрибасини маҳаллий шароитда муваффақиятли қўллашни мақсад қилдик. Ишончим комилки, яқин келажакда минтақамизда қишлоқ хўжалиги ҳамда чорвачиликни барқарор ривожлантиришни кўзда тутувчи барча режа ва дастурларимизни амалга оширамиз.

«Жаҳон» АА. Берлин

Инновацион ахборот маркази

“Тошкент — Чорвоқ” йўлининг Паркент муқолишида жойлашган Юқори Чирчиқ туманидаги Истиклол маҳалласи гузарига инновацион ахборот маркази иш бошлади.

ХИЗМАТ

Сайёҳлар учун интернет, халқаро сўзлашув, меҳмонхоналарни банд қилиш, савдо, маийш ҳизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган марказда алоҳида инновацион мобил иловалар орқали миҳозларга онлайн авиа ва темир йўл чипталари сотиб олиш, меҳмонхона, такси буюртма қилиш, умумий овқатланиш шохобчалари ҳамда бошқа объектлар тўғрисида ҳам тезкор маълумотлар олиш

имкониятлари тақдим этилмокда. Вилоят ҳокимлиги хузуридаги Туризмни ривожлантириш департаментидан маълум қилишларича, жорий йилда сайёҳларга хизмат кўрсатувчи бундай инновацион марказларни Бўстонлик, Паркент, Охангарон туманларида ҳам барпо этиш кўзда тутилган.

Ш. РАҲМАТИЛЛАЕВ.

Қундуз БЕҒМАТОВА, меҳнат фаҳрийси. Олмалик шаҳри

Китоб жавонингизга

Хурматли газетхон! Мазкур руқн орқали сизни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги нашриёт-матбаа ижодий уйларида нашр этилаётган ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништириб боришни мақсад қилдик. Бугун эътиборингизга "O'qituvchi" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан китобхонларга тўхфа қилинган асарларнинг қисқача тавсифларини ҳавола этамиз.

Абадиёт қиссалари



Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема", "Биринчи муаллим" қиссалари кўплаб тилларга таржима қилинган ва юксак мукофотларга сазовор бўлган. Мамлакатимизда ҳам ушбу асарларни севиб ўқишади. Шу боис ҳам қайта-қайта нашр қилинмоқда. Мазкур китоблар ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Болаларга аталган совға



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳаким Назирнинг "Кенжато" қиссаси, Эркин Маликнинг "Болалик ва ўсмирлик кўчалари" хотира китоби, Абдусамид Кўчимовнинг "Қайта тўғилган бола" номли қисса ҳамда ҳикоялар тўплами нашриётнинг болалар ва ўсмирлар учун муносиб совғаси бўлди.

Жумладан, "Кенжато"да беғубор қалб эгаларининг ҳаёти тасвирланади. Асардаги воқеалар китобхонни меҳнатсеварлик, ҳалоллик, эл-юртга муносиб фарзанд бўлишга ундайди. "Болалик ва ўсмирлик кўчалари"да эса Иккинчи жаҳон урушидан кейинги оғир ҳамда машаққатли йиллар, бу даврда яшаган ўғил-қизларнинг ўзига хос олами, орзу-интилишлари моҳирона қаламга олинган. "Қайта тўғилган бола"да ўсмирнинг ғайрат-шиқоати, кучли ҳис-туйғулари очиб берилади.

Саргузаштлар оламига марҳамат!



Жонатан Свифт қаламига мансуб "Гулливернинг саёхатлари"ни ўқиб, саргузаштлар оламига саёхат қиласиз. Унда асар қаҳрамони гайриоддий мамлакатларга бориб қолади, у ердаги одамлар билан мулоқотда бўлади. Ҳаёт тарзи, маданияти, урф-одатларини ўрганади. Шу аснода ўз юрти — Англия ҳақида уларга сўзла беради.

Машҳур инглиз ёзувчиси Даниель Дефонинг "Робинзон Крузо" романи ҳам жаҳон адабиётининг ноёб дурдонасидир. Ўзбек китобхонлари мазкур асарни алоҳида қадрлашади. Чунончи, Робинзоннинг сабр-матонати, эртанги кунга қатъий ишончи, ҳаёт учун курашиши ўқувчида меҳр, муҳаббат ва ёқимли таассуротлар уйғотади.

Дилмурод СОДИҚОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«LIDER ESTATE AUCTION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Асака» банки Тошкент шаҳар филиали томонидан «Асака» банки бошқарувининг 2018 йил 28 февралдаги 45-сонли баённомаси ҳамда 2018 йил 5 мартдаги 05/287-сонли хатига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Зафаробод» фуқаролар йиғини, «Шарқ» МФЙ ҳудудида жойлашган, «Yutm-parranda» МЧЖга қарашли бўлган кўчмас ва бошқа мулклар мулкрий мажмуа сифатида такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 100 000 000 000 сўм.

Тўлов шартлари:

- бўлиб-бўлиб тўлаш йўли билан — 5 йилдан ортиқ бўлмаган муддатда;
- закалат микдори — бошланғич баҳосининг 15 фоизи микдориди;
- аукцион босқичи — бошланғич қийматининг 0,1 фоизи микдориди;
- аванс тўлови — олди-сотди шартномаси умумий қийматининг 50 фоизидан кам бўлмаган микдорда шартнома имзоланган санадан бошлаб 10 календарь куни мобайнида (закалат тўловини ҳисобга олган ҳолда) тўланиши шарт;
- олди-сотди шартномаси қийматидан 50 фоизи микдоридидаги қарзнинг қолган қисмини тўлаш олди-сотди шартномасига илова қилинган жадвалга мувофиқ амалга оширилади;
- савдога қўйиш бошланғич қиймати ва аукцион савдоси натижасидаги реализация/сотув нархи орасидаги фарқи закалат тўловига қўшимча равишда тўлаш мажбуриятини харидор ўз зиммасига олади;
- олди-сотди шартномаси бўйича қарздорлик қолдигининг кўчмас мулк қисмига 7 фоиз микдоригача фоиз ҳисобланади;
- харидор банкнинг бош офиси билан келишиб, мулкрий мажмуани банк фойдасига, яъни наф олувчи сифатида банкни кўрсатган ҳолда олди-сотди шартномаси амал қилишининг тўлиқ муддатига бир марталик тўлов орқали сугурталашни шартнома имзоланган санадан

бошлаб 15 (ўн беш) календарь куни мобайнида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- мулк ҳуқуқи олди-сотди шартномаси суммасынинг 100 фоизи харидор томонидан тўланганидан сўнг ўтказиб берилади;
- савдо ташкилотчисининг аукцион савдоларини ўтказиш бўйича кўрсатилган хизматлари ҳақини сотиб олувчи/харидор тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Такрорий аукцион савдоси 2018 йил 13 апрель куни соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур мулкрий мажмуа 2018 йил 13 апрель куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2018 йил 20, 27 апрель ва 4 май кунлари соат 15.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 13, 20, 27 апрель ва 4 май кунлари ўтказиладиган савдоларга 2018 йил 11, 18, 25 апрель ва 2 май кунлари соат 16.00.

Талабгорлар аукцион савдоларига қўйилган мулклар билан сотувчининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини «Lider estate action» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБдаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000600666983001, МФО: 00981, СТИР: 304306414.

Аукцион савдоси ҳолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ҳолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзоланган мажбурияти юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефон: (0-371) 244-40-02.

Хизматлар лицензияланган.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
таклиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95,
(+998 93) 555-12-88,
(0-371) 291-68-94.

www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсулот сертификатланган.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қўйидаги махсулотларни тақдим этади:

галванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рупондан кесилган галванизацияланган полимерик махсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

0,4 мм. — 34 400 сўм / п.м.
0,5 мм. — 40 100 сўм / п.м.
0,7 мм. — 55 800 сўм / п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

RAL 3005 0,45 мм. — 48 000 сўм / п.м.
RAL 3005 0,50 мм. — 51 800 сўм / п.м.
RAL 6005 0,45 мм. — 48 300 сўм / п.м.

Қўшимча маълумот учун қўйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: (+ 99895) 197-00-93.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқаролар диққатига!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

Аҳолининг алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириш, мамлакат иқтисодиётини бошқариш учун хизмат қилаётган МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОҒАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНГИЗНИ СУРАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаз қилиш қондалари»га мувофиқ, магистраль алоқа линияларининг муҳофаз зонасига рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;
- магистраль алоқа кабелъ линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи огоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчилик билан қўчириш, синдириш, қўйиб юбориш;
- турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- магистраль алоқа кабелъ линиялари муҳофаз зонасида қудуқлар қазииш, шурф қурилиш ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш;
- магистраль алоқа кабелъ линиялари ўтган ерда гулхан ёқиш **КАТЪИЯН ТАКИҚЛАНАДИ.**

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофаз ҳудудларида ер қазииш, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ҳамда бошқа ишларни қатъий равишда **ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА** амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофаз ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазииш, ер текислаш, тупроқ олиш ҳамда бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёки уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.



ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофаз ҳудудларида ер қазииш ҳамда қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати тугилса, кабелъ трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг ва бу масалда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг ҳудудий боғламаларига ёки магистраль алоқа кабелли трассаси белгисига кўрсатилган кабелъ участкаси манзилига мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабелъ участкаси манзиллари ҳамда боғлиқ телефон рақамлари:

«ТТТ» филиали Биринчи боғламаси Тошкент ш., Қозитаров к., 29-уй	(0-599) 846-84-04, 858-84-04, (0-371) 234-20-11, 235-36-59 (соат 8.00 — 17.00)
Биринчи линия кабелъ цехи Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй	(0-371) 265-80-43 (соат 8.00 — 17.00) (0-599) 871-19-40
Иккинчи линия кабелъ цехи Янгийўл ш., Чарикова к., 172-уй	(0-599) 833-19-32, 890-19-31
Тошкент шаҳар кабелъ участкаси Хуштепа 4-тор к., 4-уй,	(0-371) 250-37-45 (соат 8.00 — 17.00) (0-599) 830-19-34
Пахта кабелъ участкаси Чиноз тумани, Серсен к., 30-уй	(0-599) 869-19-36
Учинчи линия кабелъ цехи Нуробод ш., Спорт к., 45-уй	(0-599) 858-06-80, 893-19-37
Ангрен шаҳар кабелъ участкаси Амир Темур к., 2-уй	(0-599) 871-02-68
Бекobod шаҳар кабелъ участкаси Х. Ходжимуродов 2-бەрк к., 18-А-й	(0-599) 871-06-64
«ТТТ» филиали Иккинчи боғламаси Қўқон ш., Янги Чорсу к., 264-уй	(0-595) 400-03-79, 400-03-84 (0-373) 554-42-42 (соат 8.00 — 17.00) (0-373) 542-34-17, 542-21-66
Биринчи кабелъ участкаси Янгийўл ш., Чустий к., 1-уй	(0-373) 529-24-55 (соат 8.00 — 17.00) (0-590) 556-05-58, (0-595) 402-02-48
Иккинчи кабелъ участкаси Бешарик ш., Сирдарё к., 9-уй	(0-373) 612-23-66 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 400-03-98, (0-595) 402-02-46
Учинчи кабелъ участкаси Наманган ш., Нуробод даҳаси, телеминора	(0-369) 225-08-82 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 303-03-58, 300-03-41
Тўртинчи кабелъ участкаси Андижон ш., Чўпон к., 9-уй	(0-374) 223-83-81 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 280-02-31
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси Гулистон ш., Мирзабод тумани, Пиллакор кўрғони	(0-595) 142-08-49, 510-10-09 (0-367) 227-16-20 (соат 8.00 — 17.00)
Техник хўжалиқлар гуруҳи Гулистон ш., Дўстлик кўрғони	(0-595) 510-79-93, (0-367) 225-49-05
Биринчи линия кабелъ цехи Сирдарё кабелъ участкаси	(0-595) 510-10-17, (0-367) 227-00-44 (0-595) 510-10-04
Иккинчи линия техник цехи Янгийўл ш., Тинчлик к., 1-уй	(0-595) 510-10-27
Учинчи линия техник цехи Жиззах ш., Халқлар дўстлиги к., 9-уй	(0-372) 222-95-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-595) 510-10-41
Кабелъ участкаси Даштобод ш., Дўстлик к., Алоқа ўйи	(0-595) 510-95-26
«ТТТ» филиали Тўртинчи боғламаси Бўғиқуру ш., Самарқанд к., 18-уй	(0-595) 177-50-05, 507-77-59, 500-19-07 (0-368) 442-68-03 (соат 8.00 — 17.00) (0-368) 442-68-15
«ТТТ» филиали Бешинчи боғламаси Бухоро ш., Фикдудов к., 69-уй	(0-595) 600-09-32, (0-593) 687-69-98 (0-365) 221-81-06 (соат 8.00 — 17.00)
Линия кабелъ цехи Бухоро ш., Шейхон к., 71-уй	(0-365) 223-38-37, 221-81-92, 228-53-22 (соат 8.00 — 17.00), (0-595) 600-60-15
«ТТТ» филиали Олтинчи боғламаси Нукус ш., Ашқобод к., 1-уй	(0-599) 954-86-86, 955-08-78 (0-361) 222-37-07 (соат 8.00 — 17.00) (0-599) 955-11-53, 955-68-19
Тўрткўл кабелъ участкаси Тўрткўл ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(0-599) 955-43-86
Тўрткўл кабелъ участкаси Беруний ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(0-599) 955-43-84
Кўнгирут кабелъ участкаси Кўнгирут ш., Туман телекоммуникация боғламаси	(0-599) 955-43-67 (0-595) 601-05-28
Жаслик кабелъ участкаси Кўнгирут тумани, Жаслик аҳоли пункти, Тулей стан-си	(0-595) 501-11-02, 501-46-36 (0-376) 223-13-85, 223-13-79 (соат 8.00 — 17.00)
Линия техник цехи Денов ш., Ш. Темиров к., 4-уй	(0-376) 224-07-65, (0-595) 501-01-64 (0-376) 413-17-71, 224-22-11, 223-15-34
«ТТТ» филиали Саккинчи боғламаси Қарши ш., Хўснобод к., 1-уй	(0-599) 665-05-41, 665-52-62 (0-375) 221-02-41 (соат 8.00 — 17.00)
1-Линия техник цехи Қарши ш., Хўснобод к., 1-уй	(0-375) 221-17-25, (0-599) 660-05-23
2-Линия техник цехи Ғузор ш., Гулзор к., 23-уй	(0-595) 505-05-13, (0-599) 660-02-37 (0-375) 552-11-67
«ТТТ» филиали Тўққизинчи боғламаси Урганч ш., Дўсов к., 2-уй	(0-599) 965-52-55, (0-362) 223-38-58, (0-599) 965-28-78, 965-28-38 (0-362) 224-51-69 (соат 8.00 — 17.00)
«ТТТ» филиали Учинчи боғламаси Навоий ш., Садокат к., 2-Б-й	(0-595) 603-07-38, (0-598) 278-07-01, (0-599) 750-06-38, 750-06-88, (0-436) 224-74-21
Биринчи линия техник цехи Қаттақўрғон ш., Чағанқоқ қишлоғи	(0-599) 750-02-42, (0-366) 455-24-54
Биринчи кабелъ участкаси Ғиждувон ш., Фовшон қишлоғи	(0-595) 603-33-25
Иккинчи кабелъ участкаси Учкудук ш., ДЭУ кўрғони	(0-599) 750-02-32, (0-436) 593-09-35
Нурота кабелъ участкаси Нурота ш., Ш. Рашидов к., 32-уй	(0-595) 603-31-32, 610-69-89

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва республика судлари жамоалари Олий суд судьяси Саидхур Умаровга отаси **Аскар УМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 345. 139 974 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.00 Топширилди — 03.00 1 2 3 4 5 6